



ГАЗЕТА 1928 ЯИЛ 11 ДЕНАБРДАН
ЧИКА БОШЛАГАН № 153 (8393). 15 август, 1984 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

A black and white photograph showing a long line of military tanks parked in a row on a dirt field. The tanks are viewed from the side, showing their turret and tracks. The number '2' is visible on the side of the tank in the foreground.

ПАРКЕНТ РАЙОНИ ЧУПОНЛАРИНИНГ СЛЕНИДАН

Қ И Ш Л О Қ
Х Ў Ж А Л И Г И
МЕХНАТКАШЛАРИ:

ришни унутманг!

10

СИН!

ЛИК

А. Абалян фотолари.

Айни пайтда коллектив
меҳнат календариди 1985
йил бошланган.

А. Абалян фотолари

ЗАМИН ЯРАТАЯПМИЗ

БРИГАДАМИЗ пахтакорлари юбилей йилида ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиш учун меҳнат қилишди. Албатта, ниятнинг ўзи билан пахтадан мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмади. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, изланиш, илгор тажрибаларни қўлланш керак. Очингани айтганда бир неча йилдан буён ана шу маррани эгаллаш учун ҳаракат қилсакда ҳали бу кўрсаткичга қўрилади олмадик. Лекин бу йил ҳар биримиз сўзининг иштиндан албатта чиқиб учиб бугун агрохотлик тадбирларини ўз мўлдатидан сифатли бажарилишини таъминлаймиз.

Ҳар гектар ерда мўлжалдаги ўғзини ўстиришимиз, Ривож ҳам ёмон эмас. Уларнинг ҳар бирида ўртача 6—7 тадан бўлиб кўсак бор. Август ҳосил тўплашида ҳал қилувчи палла. Бунинг жуда яхши билган бригадамиз аъзолари иш бир дам ҳам сўсатиришмапти. Турғун Худобер, Нуриддин Хайдаров, Мухаммаддод Исақулов сингари ўз ишининг пухта билимдонлари бўлган меҳнаткорларимиз ўғза қатор оралирини сифатли култивациядан чиқаришмоқда.

Биз бир неча йилдирки, ўғза қатор оралирига иллов беришимиз янги усулнинг қўлланамиз. Биринчи ва иккинчи култивацияни иллов беришча юзларча амалга оширдик. Чунки бу даврда ёш ниҳолларнинг иллов ер юзасига яқин бўлиб, ҳали тўла ўсиб етилмаган бўлади.

ҲОСИЛ МЕҲНАТДАН ОЛИНАДИ

олиб борадилар. Улар ҳар бир картани сувдан сўнг икки марта мунтазам култивациядан чиқарилишига эришмоқдалар. Айни кунларда сувчиларимиз янада диққат-эътибор билан меҳнат қилишяпти. Чунки ҳосил етилмаётган паллада ўз вақтида сув ичган ўғза бўлиб ҳосил тўғлади. Биз далаларимиздаги ўғзаларнинг ривожини мутахассислар билан ҳисоблаб чиқиб, сентябрь ойининг ўрталарига сўнг иллов беришча қарор қилдик.

Бу йил ёшнинг иссиқ келганлиги туфайли зараркунанда ҳашаротлар тез ривожланди. Бундай шароитда уларга қарши ўз вақтида химия воситаларини ишга солидик. Бригадамиз назоратчилари пайкалардаги аҳолини узулксиз синчик-қилишга аҳд қилишган. Айни кунларда далаларимизда шунга яраша иш боришти. 78 гектар ердаги пахта, 50 гектар ердаги напон ва 10 гектар ердаги шолдининг ривожини яхши.

Илганган, меҳнатдан қочмаган деҳқон баракани хирмон уюди. Бунга бу бригада аъзолари ўз тажрибаларида иллов ҳосил қилишган. Шунинг учун ҳам ҳамма бирдек юксак унум билан меҳнат қилди. Коллектив деҳқонлари бу йил 48—80 нави йилги пахтани синодан ўтказишди. Деҳқонларнинг айтишича, бу нав пахта касалликка ҳам чалинади. Ҳосил қўғи ҳам чакки эмас. Ҳозир ҳар туп ўғзада 7—8 тадан бўлиб кўсак бор.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми биз — пахтакорлар олдига янги талабларни қўйди, — дейди Иля Ним. — Биз пленум материалларини ўрганиб чиққач, ҳали ишимизда жуда кўп

лаб ўрганиб боришмоқда. Ҳашаротлар оралиган майдонлар аниқланса ОВХ агрегатлари ёрдамида ва биологик усул орқали ишлов бераймиз. Буларнинг самараси қувончли бўлади. Ҳозиргача биронта картадаги ўғзаларимиз зарарланмади.

Юқорида айтганимдек энди вазифа ҳосилни қўлайтиришдан ва бўлиқ қилиб етиштиришдан иборат. Бунинг асосий манбаи шарбат сувидир. Биз бу борада ҳам етарли тажриба тўплаганмиз. Август ойи охиригача сифатли чирчилган маҳаллий ўғит экин қатор оралирига оқинилди.

Бригадамиз пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига амалий жавоб бериш учун бу йил фақат юқори сифатли ва арзон пахта етиштиришга аҳд қилдилар. Шу билан бригаданик меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ҳисобига мажбуриятимизга қўшимча 185 тонна пахта кўп етиштирамиз. Шундай қилиб жами «оқ олтин» хирмонимиз 625 тоннага етказамиз. Бунинг учун бригадамизда барча шарт-шароит ва имконият бор. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси кўзда тутилган хирмонимизга ҳозирлаб ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти.

А. НАЗАРҚУЛОВ,
Пискент районидagi «Гулистон» колхозининг бригадаси бошлиғи.

АХДГА ЯРАША

Давлат Усманов бошчилиги қилаётган 5-бригада Янги-Йўл районидagi «СССР 60 йиллиги» колхозига илгорлардан саналади. Бригада деҳқонлари бир неча йилдир, зиммадаги план ва мажбуриятларнинг ортиги билан бажариб келадилар. Бу коллектив аъзолари юбилей йилида 66 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини қабул қилишган.

— Бригадамиз миришкорлари аҳдларига яраша меҳнат қилмоқдалар, — дейди бригада етакчиси. Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла бўлган айни кунларда ўғза парваришини айниқса сифатли олиб боришимиз. Экин қатор оралирига иллов бериш, сўнгги катта тадбирлар ўз мўлдатидан ўтказилмоқда.

Бригадада бу йил асосий ҳосилни машиналар ёрдамида териб олиш белгиланган. Шунинг учун ҳам ўғзаларни бир текис машинабоп қилиб ўстиришга ҳаракат қилишмоқда. Шу мақсадда чеканка ишлари ҳам сифатли амалга оширилди.

Бу ишларни бажаришда Уктам Усманов, Файзулла Исроил сингари меҳнаткорлар, Эшқувват Мавлонов, Холмурод Мадалиев, сингари сувчилар барчага ўғза бўлишмоқда. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли кўсаклар кун сайин қўпайиб бормоқда.


А. КАРИМОВ.

Шахатой эрталабки соғиндан сўнг ферма майдонидан бир соғига жавоб сурадида. Искандар қишлоқ матбуот жамаиети идорасига қараб йўл олди. Кеча колхоз правлениясига бораганда сабзавотчилик бригадасида ишлайдиган аёллар унга садов дўконларида кундалик хариш моллари йўлиданги тўтқулар ҳам ўн, қанд, мой, совун, тугури каби нарсалар қилиб, район марказига, Чирчиқ, Тошкент шаҳарларига боришга тўғри келмаётганидан нолиди.

Қишлоқ аҳлининг долларб кўнларда арзиманган нарсалар қилиб, дўконда-дўкон юришга вақти йўқ. Наҳотки, савдо ташкилотининг раҳбарлари бунга бефарқ қарасалар?

Шахатой Искандар қишлоқ матбуот жамаиети идорасидан бўшашиб чиқди. Ташкилот раҳбарлари йўқ экан. Нима қилиш керак. У бироз ўйлаб турди-да, район маркази — Газалкентга йўл олди. — Янги кундан кейин Карл Маркс номи колхоз сўт-товар фермасига баришга келишимизга аълоавалар келишимиз.

Район Совети депутати, коммунист Ш. Матенова халққа хосиз хизмат қилиш билан бирга меҳнатда ҳам барчага намуна бўлади. У ўтган йили қарамоғиди



ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР

СССР ОЗИҚ-ОВҚАТ программасининг муваффақият-ли бажарилишига муносиб

ҳисса қўйиш учун курашаётган 3-Чирчиқ райони-даги Ким Пен Ха номи



КОММУНИСТИК районидagi «Политотдел» колхозининг Искандар Хўжаев бошчилиги қилаётган бригадаси пахтакорлари юбилей йилида 54 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан, 62 гектар канопининг гектаридан эса 290 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Далаларда мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун курашаётган коллектив аъзолари экинлар парваришини намунали олиб боришяпти.

Суратларда: (чапда) бригаданин илгор сувчиси Аъзам Миркомиллов. У экинларни ўз вақтида оби-ҳаётга қондиринда ҳамкасблари ўрпақ бўлаётир; ўғза қатор оралирига иллов бериш пайти. Е. Ботиров фотолари.

колхоз чорвадорлари гўшт, сўт, тухум ва бошқа турдаги ховра маҳсулотларини етиштиришни қўпайтириб бормоқдалар. Янгида бу хўжалик бурдоқчибоқларини гўшт ишлаб чиқариш йиллик планини биринчилардан бўлиб бажаришди. Планди-ни 130 тонна ўрнига 137 тонна гўшт етиштирилди. Қорамоллар асосан юқори сезималликда гўштга топиширилди.

Райондаги Энгельс номи

колхоз бурдоқчибоқларини ҳам гўшт етиштириш йиллик планини бажаришди. Шу кунгача бу хўжаликда 82 тонна гўшт тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридан 2 тонна кўндр.

Дастлабки маррани қўлга кiritган ҳар икки хўжалик чорвадорлари эл дастури-нига чорвачилик маҳсулот-лари етказиб беришни да-вом эттиришяпти.

У. ҲАМИДОВ.

ОХАНГАРОН РАЙОНИДА

ИЛГОРЛАР ҲИССАСИ

СССР Озиқ-овқат програм-масининг бажарилишига му-носиб ҳисса қўлиш йўлида соҳарали тер тўкаётган «Охангарон» совхозин чор-вадорлари дастлабки меҳнат ютуқларини қўлга кiritди-лар. Давлатга пландида 243 тонна ўрнига 262 тонна гўшт топиштириб, тўққиз ойлик пла-нини мўлдатидан олдин бажариш шарафига мўлжал-сиз бўл-ди.

Хўжалик сўт-товар фер-маси коллективни эришган на-тижалар ҳам қувончли бўлди. Дано Маматова, Зухра Ха-санова, Собагор Тоғибеова сингари тажрибали соғувчи-ларнинг кўч-ғайратлари ту-файли етти ойлик план му-ваффақиятини адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврида-даги нисбатан 262 тонна кўп сўт ишлаб чиқарилиди. Илгор соғувчилар ўз қарамоғлари-даги соғин ситирларнинг ҳар биридан ҳозирга қадар 2300—2500 килограммдан сўт соғиб олдилар. Улар бу кўрсаткични йил охиригача 3500 килограммга етказиш-ни мўлжаллашмоқдалар.

Совхозда давлатга гўшт ва сўт топириш қизғин давом этмоқда.

М.ФАТТОХОВ.

ГЕКТАРИДАН 560 ЦЕНТЕР

СЕРГО номи совхоз озу-қакорлари чорва қишлови учун мустаҳкам замин ҳо-зираш ишларини жадал-лаштириб юбордилар. Ай-ни кунларда хўжаликнинг Нуриддин Эрматов бошлиқ еим-хашакчилик бригадасида сўт учун экинган макса-жўрчи ўрмин қизғин бормоқда.

Бригада аъзолари ўрим-йиғимни муваффақиятли ту-галлаш учун мавжуд техни-калар кундан омиқдорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда далаларда ушта ўрим ком-байни юқори унум билан иш-латилипти. Ингиштириш оли-наётган қўпоя 11 та тележка ёрдамида пешма-пеш сўт-товар фермасига та-шиб келтирилипти.

— Дала ишларини ўзаро социалистик мусобақа асо-сида ташкил қилганимиз янги самара бермоқда, — дейди бригада бошлиғи Н. Эрматов. — Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра 140 гектар майдонга экинган мак-сажўрчининг ҳар гектари-дан 400—450 центнердан қўпоя йиғиштириб олиняпти. Биз имкониятларимизни ҳисобга олиб, ҳосилдорлигини 580 центнерга етказиш учун ҳаракат қилишимиз.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

РАЙОНДАГИ Ворошилов номи совхоз паррандабо-қарлари ярим йиллик планни ортиги билан адо этган эди-лар. Улар кунга кеча ана бир муваффақиятини қўлга кirit-дилар. Зиммага олдинги мажбурият бўйича учинчи квартал план ҳам мўддати-дан олдин бажарилиди. Эл эҳтиёжи учун пландида 839 минг донга ўрнига 897 минг донга тухум етказиб берилди. Бу мўлжалдаги 58 ми-нг донга кўндр.

Совхоз паррандабоқарлари эндиликда маҳсулот танна-рини арзонлаштириш ҳамда йиллик планни республика-миз юбилейи нишонланади-дан кунга қадар бажариш учун курашмоқдалар.

А. АБЗАМОВ.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

ҲАҚОН АНЖЕЛКЛАРИ

СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ РАЗИЛ ИҒВОГАРЛИК

ЛОС-АНЖЕЛЕС, 13 август (ТАСС мухбири). АҚШ-да уя қуриш олган террорчи гуруҳларга мансуб газалда-лар беш олимпияда мажбурият қарши, социализмга қарши разил иғвогарлик уюштирил-ди. Муртадалар ва батан хонларни, турли тусатли ашадий антисоветчилар бир совет давонида полиция ҳи-момси остида жижжак шор-ларни бақириб айтишди. «Қизилларни йўқ қилишга» қақирувчи плакатларни сил-китдилар.

Олимпияда ўйинларига таъйинлаб қўйилган мат-муҳаббат ҳомийлигидаги анти-совет ташкилотлар социали-стик ҳамдўстлик мамлакатла-ридан келадиган спортчилар ва расмий вакиллардан жисмоний ўч олиш билан дўх урган эдилар. СССР ва дунёдаги бошқа етакчи спорт давлатлари миллий олим-пиада комитетларининг қар-ори антисоветчиларнинг жи-ноий шўм ниятларини бар-бод қилди. Аммо маъмурият социализм мамлакатларига душманлик ва ишқиссаллик-ни кучайтириш учун олим-пиададан фойдаланиш йўл-даги ўрнинишларини бас қил-

мади. Жумладан, бош олим-пиада матбуот маркази ёни-даги машина бунинг яқ-қўл далили бўлди.

Лос-Анжелесдаги мусо-бакалар энг муҳим халқаро мусобақаларини қандай ўтказ-маслик кераклигининг ёрқин далилидир. Дунёнинг турли мамлакатларидан келган ва бош олимпияда матбуот мар-казида иш олиб бораётган кўпгина журналистлар шу фикрни айтмоқдалар. «Бу ерда ўтказетган миллатчилик муҳити ҳўм сўрмоқда, — деб ҳисоблайди Колумбияда чиқадиган «Кронометр» спорт журналининг мухбири А. Калдерон. — Ҳатто ўйинларни телевидение ор-қали кўрсатишга ҳам по-лицистик руҳи беришган. У Лос-Анжелесдаги ва-зининг Москва олимпияда-даги муҳит билан таққослаб бундай дейди: «Москвада транспорт муаммоси йўқ эди, мусобақаларга осонгина етиб бориш мумкин эди, машина-лар кўчаларда тигиз бўлиб тўхталиб қолмас, шаҳарнинг ҳавоси эса мусаммо эди. Лос-Анжелесда эса заҳар-ли ҳаводан нафас олаётимиз. Москвадаги ўйинлар қўйил-мақом ташкил этилган эди,

ҳамма нараса иқир-чиқир-гача пухта ўйлаб уюштирил-ган эди.

Лос-Анжелесдаги ўйин-лар қайғовчиллик руҳи билан суғорилган. Бу ўйинлар олимпиядаги ташкил этишга маблаг сарфлаган хусусий корпорацияларга фойда кел-тиришдан иборат бирдан-бир мақсадни кўзлаб ўтказ-илмоқда.

«Лос-Анжелесдаги олим-пиада телевидение масхара-бозлиққа айлантирилди юбо-рилган, деди Япониядаги ки-кадиган «Асакхи» газетаси-нинг мухбири С. Қўбота. — Бу ўйинлар спортчилар учун эмас, балки катта бизнес учун ўтказилмоқда, деган таассурот вужудга келмоқда, бу эса жуда ёмон». АҚШ даги «Норван таймс» газетасининг мухбири Т. Иан Лос-Анжелес-даги ўйинларнинг савияси жуда пастиглини уқтирди.

Жанубий Калифорния университетининг террито-риясида жойлашган олим-пиада қишлоқ ўғирлик ма-конига айланган, деб хабар қилади матбуот.

Енгил атлетика мусобақа-лари ўтаётган «Колiseum» стадиони ёнида, бошқа олимпияда объектлари ёни-да спортчиларга, расмий ки-шиларга ва Лос-Анжелес меҳмонларига бир неча бор қуролли ҳужум қилинди.

риш учун тайёргарлик қўр-ган. У Афғонистоннинг Вах-вилотига кириб, одамларни ўлдириш, уйлар ва бинолар-га ўт қўйиш, қароқчилик билан шугулланган.

Бахтар агентлигининг хабар беришича, Қўдус ва унинг 14 нафар шериги ўз жиноятлари учун ўлим жа-азосига ҳўм қилиниб, қал-лакесларга тўдасининг 21 аъзоси беш йилдан 20 йил-гача мўддат билан қамоқ-жазосига ҳўм этилди.

(ТАСС, 13 август).

БУГҲУН — ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КҶНИ.

ЯҚИН ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

Бу кун эрта тонгда Деҳлидаги Қизил Форт де-ворлари узра Ҳиндистон Республикасининг миллий байроғи тағтанали равишда кўтарилди. Мустам-лакачилик зулмининг улқотириб ташлаган ҳинд хал-қи кўп нарсаларга эришди. Бу ютуқларга кўп қи-рғилли совет—ҳинд ҳамкорлиги туфайли катта ҳисса қўшилди.

АПН мухбири Олег Артемьев оғир машинасо-злик соҳасида бу ҳамкорлигининг объектларидан би-ри — Ранчидаги завод ҳақида ҳикоя қилади.

1963 йил эди. Бихар ша-тида жойлашган бу кичкина-гина шахарнинг сокин маро-ми дафтарида ўзгариб қолди. Бу ерда ҳинд саноатининг металлургия, нефть, кон ва бошқа тармоқлари учун ас-боб-ускуналар ишлаб чиқари-диган гигант завод қурили-ши бошланди. Қурилиш бош-лангани маросимиде Ҳиндис-тон Бир министри Навахар-лад Неру қатнашди. Совет ва ҳинд ишчилари қўли бил-ан бунёд этилган бу завод ҳозир Ҳиндистоннинг энг етакчи корхоналаридан би-ри бўлиб жануби-шарқий Осиёда йирик ҳисобланади.

«Ҳинд Урламши» — ма-ҳаллий аҳоли уни шундай деб атади. Завод террито-рияси 570 минг квадрат метр келади. Кенг цехлар замонавий ускуналар, стан-оклар билан жиҳозланган. Бу ускуналарнинг кўпи совет корхоналарида ишлан-ган.

Оғир ускуналарни йиғиш ва чиқариш цехи. Бу ерда 200 тонналик пўлат қўйиш крани монтаж қилинмоқда. Бу кран Висахпатнадаги заводда ишлатишга мўлжал-ланмоқда. Бу завод ҳам СССР ҳамкорлигиде бунёд этилмоқда.

Ранчидаги заводнинг бош бошқарувчиси В. К. Капур ўз фаолиятини 1971 йил ишлаб чиқариш бошқарувчи-сини муовин сифатида бошлаган.

— Ушша вақтдан буён, — деб ҳикоя қилади у, — кат-та ўзгаришлар юз берди. Бизнинг корхонамиз энди-ликда бир мунча мураккаб ускуналар чиқармоқда, ишчилар, инженерларнинг касб маҳорати анча ўсди. Бу ҳинд мутахассислари фи-

завод бизнинг йирик буюрт-мачилиз ҳисобланамди. Сиз цехда кўрган пўлат қўйиш крани Висахпатнадаги жу-натинга тайёр турибди.


Шуни ҳам қўйиб қўйиш керакики, 1976—1979 йил-лари «Тяжпромэкспорт» ва «Цетметпромэкспорт» со-вет ташқи савдо бирлашма-лари Совет Иттифоқи ёрда-мида бошқа мамлакатларда қуриладиган корхоналар учун ускуналар тайёрлаш ва етказиб бериш бўйича Ран-чидаги завод билан шартно-малар имзоладилар. Бун-дай ускуналар Лотин Аме-рикази, Европа, Африка ва Осиё давлатларида самарали ишлатилмоқда. Ранчидаги завод Болгарияга коне уску-налари ва кранлари, Юго-славияга алюминий заводи учун электродиз ускунала-ри, Кубага кўприк портуз-чиклар, Туркия, Миср, Шри-Ланкага металлургия уску-налари, Венгрияга кранлар етказиб берди.

— Совет ва ҳинд мута-хассислари ўртасида ҳўки сураётган дўстлик ва ҳам-корлик муҳити тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман, — деб тазкилдайди суҳбатчи-нинг охирида В. К. Капур.

Совет инженерлари ҳинд ҳамкасблари билан билимла-ри ва тажрибаларини астой-дил ўртоқлашадилар, мил-лий кадрлар тайёрлашда қатнашмоқдалар. Натижада бизнинг кўпгина малакаси-ишчиларимиз ҳақиқий мута-хассислар бўлиб етишишди. Улар мураккаб ускуналарни тайёрлай олишга қодирдир-лар.

Комбинатнинг совет таш-килотлари билан ҳамкорлиги йил сайин ўсиб, мустаҳкам-лашиб бормоқда. Шу йил ап-рел ойида кўнма протокол имзоладилар. Унга мувофиқ Ранчидаги завод ҳамда Ду-рапурдаги кон қазич уску-налари заводи ва Харвар-даги оғир электр ускунала-ри корхонаси 1985 йил мо-байнида Совет Иттифоқида тахминан 300 миллион ру-пий миқдордаги ускуналар етказиб беради.

Олег АРТЕМЬЕВ,
АПН мухбири.
Ранчи—Деҳли.



Суратда: Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдамида Ҳиндистон-нинг Ранчи шаҳрида қурилган оғир машинасозлик заводи цехларидан бирида. А. Чумичев фотоси. (ТАСС).

СУД ИШГА ТУШДИ

ҚОҒУЛ. АДРнинг махсус революцион трибуналида қаллакесарлар шайқасининг бошлиғи. Қал Қўдус ва унинг шериклари иш юза-сидан оқиш суд тўғлиди. Суд-нинг 4 миндан ортиқ киши қатнашган очик мажлислари давомиде афғон халқига қарши қонли ёвузликларни амалга оширишда бандитлар айбдор эканлиги рад этиб бўлмайдиган тарзда исбот-

ланди. Текширув натижаси-да тўплаган ҳужжатлар ва қаллакесарларнинг қўрсат-малари Қўдус тўдаси Эрон, реакция доираларининг йўл-қўриғи билан иш қўрғи-лидиган далолат беради. Қўдус беш йил Эронда иш-лаб, «жамаият исломи» кўпуровчи ташкилотидеги афғон босмачилари тўдаси билан иш юритиб, АДР территориясида террорчи-лик ишларини амалга оли-



ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ МЕХНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ ЎТКАЗИЛАДИ

Болалар страхованиеси болалар ҳақида ғамхўрликдир


ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Уй санкиз ёш ҳар бир оила ҳаётида қувончли воқеа. Чунки худди ана шу кундан бошлаб ўғил ёки қизингиз кўпгина ҳуқуқларга эга бўлса-да, уларда янги вазифалар пайдо бўла бошлайди, мустақилликлар ҳам оғтиб боради.

Шунинг учун ҳам сиз шодиёна кун узоқ муддат хотирада сақлашни қўйишни истайсиз албатта. Ўғил ёки қизингиз ота-оналари (бола асраб олган ота-оналар ҳам) ва боланинг бошқа қариндошлари фарзандларини страхование қилиб қўйишлари мумкин. Страхование қилинаётган вақтда боланинг ёши ўн беш йилдан ошмаслиги лозим.


Страхование қилинган йигит ёки қизга страхование суммаси страхование шартномасининг муддати тугагандан сўнг берилади. Страхование учун тўланадиган бадал боланинг страхование қилиш тўғрисида ариза берилган кундаги ёшига, страхование муддатига қараб белгиланади. Страхование бадалларини страхование муддати давомида ҳар ойда тўлаб бориш ёки қисқа муддат ичда тўлаш ҳамда бир вақтда тўлаш ҳам мумкин.

Страхование суммаси страхование қилдирувчи билан давлат страхованиеси инспекцияси келишувига мувофиқ белгиланади. Лекин унинг миқдори 300 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Страхование шартномаси шартларида страхование суммасини ёки маълум бир қисминини боланинг шикастланиши, захарланиб қоллиши, полиомелит билан оғриши ва бошқа сабабларга биноан бола соғлиғи ёмон-



лашиб қолган тақдирда берилиши кўзда тутилади. Бундан ташқари айрим ҳолларда (шартномада кўзда тутилган) страхование қилдирувчига ҳамма тўланган бадаллар қайтариб берилиши ҳамда страхование суммасининг 30 проценти ҳажмида нафақа тўланиши мумкин.

УЙ ЖИҲОЗЛАРИ СТРАХОВАНИЕСИ



ҲАР БИР ОИЛА МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ

Ҳар бир совет оиласи ўз квартирасига замонавий мебель, чиройли кийим, янги телевизор, радиотелефон, гитара ва бошқа уй-руҳор ҳамда ўзи учун кундалик керак бўладиган буюмларни олиш учун кўп меҳнат ва вақт сарф қилади.

Шу билан бирга, кўпгина ёнғин, жала, иситиш системалари ва водопровод тармоқларининг авария бўлиши, кўшини хонадан сув оқиб чиқиши натижасида уй жиҳозларининг яроқсиз бўлиши ёки уларга зарар етиши ҳоллари учраб туради. Шунингдек, уй-руҳор жиҳозларини ўғирлаб кўйиш, доимий турар жойни ўзгартириш муносабати билан кўчиб кетилаётганда уларга зарар етиши ҳоллари бўлиши мумкин.

Агар Сиз ўз буюмларингизни страхование қилдирган бўлсангиз, у ёки бу ҳодиса туфайли ташвишингиз ва кўрадиган моддий зарарингиз бирмунча кам бўлади.

УЙ ЖИҲОЗЛАРИ ДОИМИЙ ТУРАР ЖОЙДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНАДИ.

Уй жиҳозларини 2 ойдан 11 ойгача ва 1 йилдан 5 йилгача муддатга исталган нархда (тутилганлигини ҳисобга олган ҳолда) давлатнинг мавжуд чакана баҳосида ҳар қандай суммага страхование қилдириш мумкин.

Тўловлар, уй-жойнинг ёнғинга чидамлилиги ва қаерга жойлашганлигига қараб 1 йилга страхование қийматининг ҳар 100 сўмдан шаҳарларда, қишлоқ район марказлари ва посёлкаларида 15 тийиндан 40 тийингача қилиб белгиланган.

Уч йил ва ундан кўпроқ муддатга страхование шартномаси тузилганда страхование қилдирувчига тўлов суммасининг 10 проценти ҳажмида имтиёз берилади. Уй жиҳозларини доим страхование қилдирувчиларга бошқа имтиёзлар ҳам берилади.

Иморатлар страхованиеси— қулай ва фойдали

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКИ БЎЛГАН ҚУРИЛИШЛАР МАЖБУРИЙ СТРАХОВАНИЕГА ҚЎШИМЧА РАВИШДА ВУЗЛИШНИНИ ХИСОВГА ОЛИНГАН ҲОЛДА ИСТАЛГАН СУММАДА ҚЎНГИЛЛИ ТАРТИБДА СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНИШИ МҲМКИН.

Бунда страхование суммаси қурилишнинг давлат томонидан шу районда жорий этилган қурилиш материаллари, уларни ташин тарифлари ва иш ҳақи ставкасида ошмаслиги керак.

Қўнғилли страхование қилиш унинг эгасига қурилишлар ёнғин, портлаш, яшн уриши, сув тошқини, элзизла, бўрон, довул, жала, дўл, тўсатдан ер ости суви чиқиб кетиши, ана шу район учун хос бўлмаган узлуксиз ёмғир ёки қалин қор ёғиши, сел келиши, иситиш системалари, водопровод ва канализация тармоқларининг аварияга учраганлиги, шунингдек ёнғиннинг кучайишига ёки тўсатдан сув тошқини хавфи тутилганда қурилишларни бузиш ва бошқа жойга ўрнатиш зарур бўлиб қолган тақдирда вайрон бўлиши ёки яроқсиз ҳолга келишида қўриладиган зарарин бирмунча тўла ундириб олиш имконини беради.



Шартнома 1 йил муддатга тузилади. Страхование тўлови кўп эмас. Ҳар 100 сўм страхование суммасидан шаҳарларда 30 тийин, қишлоқларда 35 тийин қилиб белгиланган. Агар Сиз шартнома тўзган бўлсангиз, унинг муддатини ўз вақтида янгиланиш унутманг!

НИКОҲ СТРАХОВАНИЕСИ— ЙИГИТ-ҚИЗГА СОВҒА!

Никоҳ страхование шартномаси бўйича страхование суммаси йигит ёки қизга страхование муддати тугагандан сўнг никоҳдан ўтиб турмуш қурсалар берилади.

Агар страхование қилдирилган шахс 25 ёшга тўлиб турмуш қурса у ҳолда бу шахсга страхование суммаси 21 процент ортқ тўланади. 18 ва 25 ёш орасида турмуш қурганларга ҳам страхование суммаси қўшимча процентлар билан тўланади (страхование муддати тугагандан кейинги ҳар бир тўлиқ йил учун 3 процент).

Страхованиенинг бу тури бўйича 15 ёшдан ошмаган болалар фойдасига страхование шартномаси тузилади. 18 ёшдан ошган шахслар страхование қилдирувчи бўлишлари мумкин, лекин уларнинг ёши страхование муддати тугагандан 75 ёшдан ошмаган бўлишлари шарт. Страхование суммаси намида 300 сўм бўлиши лозим.

Страхование муддати боланинг ёшига боғлиқ. Ҳар ойлик страхование бадали страхование қилдирувчининг ёши, страхование суммаси ва страхование муддатига боғлиқ.

Давлат страхование органлари 16 ёшдан 75 ёшгача бўлган ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, уй боналари ва бошқа кишилар билан 1 йилдан 5 йилгача муддатга бахтсиз ҳодисалардан страхование шартномаларини тузади.

Страхование бадали страхование қилдириш ҳоқиқини билдирган кишининг касби ва ишлаб чиқариш турига қараб бир йилга ҳар 100 сўмдан 25 тийиндан 1 сўм 20 тийингача белгиланади.

Страхование суммаси ёки унинг бир қисми страхование қилдирувчи жароҳатланиш (лат ёйиш, ярадор бўлиш, суяк синиши, кўйиш, совуқ уриши, электр токидан, эришдан зарарланиш, бўғин чиққанда) натижасида умумий меҳнат қобилиятини доимий (тўла ёки қисман) йўқотган тақдирда тўланади.

Қишлоқ хўжалик чорва моллари эгалари диққатига!


Уй ҳайвонларини страхование қилиш икки формада — мажбурий ва ихтиёрий формада амалга оширилади.

Ириқ қорамоллар, от ва туяларни харид баҳоси қийматининг 40 проценти ҳажмида страхование қилиш мажбурий страхование ҳисобланади. Ихтиёрий страхование шартномаси тузиш билан страхование баҳосини икки баравар ошириш мумкин.

Қўй, эчки, чўчка, эшак ва хачирлар харид баҳоси қийматининг 80 проценти ҳажмида ихтиёрий страхование қилинади.

1983 йил 1 январдан бошлаб ҳамма ҳайвонларнинг мажбурий ва ихтиёрий страхованиеси бўйича страхование суммаси кўпайтирилди ҳамда шикастланган, нобуд бўлган ёки мажбуран сўйилган ҳайвонлар учун бериладиган страхование суммаси оширилди.

Ихтиёрий страхование бўйича чорва моллари насалланса, ёнғин, портлаш, яшн уриш, электр токи таъсири, офтоб уриш, элзизла, бўғилли, йиртиқ ҳайвонлар ҳужуми, захарли ўт-ўлан ёки моддалардан тўсатдан захарланиш ҳоллари юз берса, илон ёки захарли ҳашаротларнинг чақишидан ўлса, ҳайвонлар сувга чўкса, транспорт босиб кетса, горга тушиб кетса ёки бошқа ҳодисалардан нобуд бўлса, шунингдек мутахассис ветеринар ёки қишлоқ Совети депутати кўрсатмасига биноан мажбурий равишда сўйилса, қўрилган зарар тўланади.



Агар Сиз страхование шартномаси тўзган бўлсангиз, ун ўз вақтида янги муддатга расмийлаштиришни унутманг.

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИР ЙИЛ МУДДАТГА ИХТИЁРИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНАДИ.

Страхование тўлови уй ҳайвонининг тури, ёши ва страхование суммасига боғлиқ.

Ҳаётнинг аралаш страхованиеси— меҳнаткашлар манфаатини кўзлайди



ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Сиз шахсини страхование қилишининг мамлакатимизда энг кўп тарқалган турларидан бири ҳаётнинг аралаш страхованиеси эканлигини билсангиз керак.

Страхованиенинг бу тури шартномалари ҳар хил страхование суммалари бўйича 16 ёшдан 70 ёшгача бўлган граждандар билан 5, 10, 15, 20 йил муддатга тузилади. Аммо страхование муддати охирида унинг ёши 75 ёшдан ошмаслиги керак.

Давлат страхованиеси органлари билан келишилган ҳолда исталган суммага страхование шартномаси тузиш мумкин.

Страхование гувоҳномасида кўрсатилган страхование суммаси қуйидаги ҳолларда тўланади.

страхование муддати тугаганда; страхование қилдирувчи жароҳатланганда, тўсатдан сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан қаттиқ оғриши, баҳорги ёзги энцефалит ёки полиомелит билан оғриши натижасида умумий меҳнат қобилиятини йўқотганда. Страхование қилдирувчи юқоридagi кўрсатилган сабаблар туфайли умумий меҳнат қобилиятини маълум даражада йўқотган тақдирда страхование суммасининг тегишли қисми берилади.

Страхованиенинг ойлик бадали миқдори страхование қилдирилган суммага, страхование қилдирилган кишининг страхование қилдириш тўғрисида ариза берган кундаги ёшига ва страхование муддатига боғлиқдир. Страхование бадалини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан, шунингдек страхование агентига нақд пул ёки омонат кассаданги махсус ҳисоб-китоб бўйича тўлаш мумкин.

СТРАХОВАНИЕ БАДАЛИ СТРАХОВАНИЕНИНГ УМУМИЙ МУДДАТИ ДАВОМИДА БИР ОЙ ОЛДИН ТЎЛАНИШИ КЕРАК.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АГАР СИЗДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ, МОТОЦИКЛ, МОТОРОЛЛЕР, МОТОКОЛЯСКА, МОТОНАРТА, МОПЕД (двигателининг иш ҳажми камиди 50 см³), КАТЕР, ЯХТА, МОТОРЛИ, ЕЛКАНЛИ ЕКИ ЭШКАКЛИ ҚАЙИҚ БЎЛСА, УЛАРНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛДИРИШНИНГ ИШТИ МОЛЛАХАТ БЕРАМИЗ.

Страхование шартномаси транспорт воситасининг авария (йўл-транспорт ҳодисалари), ёнғин, портлаш, яшн уриш, довул, жала ва бошқа табиий офатлар, шунингдек транспорт воситасини ўғирлаб кетиш ва уни ўғирлаб кетиш ёки олиб қочиш пайтида етказилган моддий зарарин қоплашга (страхование суммаси миқдоридан) кафолат беради.

Страхование суммаси страхование қилдирувчи хоҳишига қараб, лекин транспорт воситасининг қиймати давлатнинг мавжуд чакана баҳосидан (фойдаланилганлигини ҳисобга олиб) оширмасдан туриб белгиланади.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАСИ 1 ЙИЛ МУДДАТГА ТУЗИЛАДИ.

Страхование тўлови транспорт воситасининг тури, страхование муддати ва страхование суммасининг миқдорига қараб белгиланади.

Страхование қилдирган киши олдинги 2 йил мобайнида транспорт воситасини узлуксиз страхование қилдирган ва шу муддатда ўз айби билан авария содир қилмаган бўлса, кейинги шартномани тузиш пайтида тўланадиган тўловни 10 процент миқдорда, уч ва ундан кўп йил муд-



датга страхование қилдирганда аса — 15 процентга камайиштириш ҳуқуқига эга.

Страхование тўловини страхование агентига нақд пул билан, шунингдек, иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўлаш мумкин.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА СТРАХОВАНИЕ БАДАЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Страхование тўловларини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўлаш бирмунча қулай. Бундан ташқари страхование тўловларини нақд пул билан страхование агентига тўлаш мумкин. Болалар страхованиеси, ҳаётнинг аралаш страхованиеси ва никоҳ страхованиеси тўловларини Давлат страхованиеси инспекцияси томонидан страхование эгасига бериладиган ҳисоб дафтраси бўйича омонат кассадан сақланаёт-

ган омонатдан ёки почта переводи орқали тўлаш ҳам мумкин.

Страхование шартлари ва шартномалари тузиш қондаларини Давлат страхованиесининг район (шаҳар) инспекциясида ёки сиз меҳнат қилиб турган ташкилот, корхона ва муассасасига хизмат қилувчи страхование агентига учрашиб тўлиқроқ билиб олиш ва шартнома тузиш мумкин. Страхование агентини уйга таклиф қилиш ҳам мумкин.

Тошкент область Давлат страхованиеси
бошқармаси

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ АҲОЛИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИГАН ШАХСНИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИДАН ЯНА БИРИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҲИСОВЛАНАДИ.